

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ПУЛАТОВА ГУЛРУХ АЛИШЕР ҚИЗИ**

**ҲОМИЛАДА ШИШ СИНДРОМИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Пулатова Гулрух Алишер қизи**

Ҳомилада шиш синдромини ташхислаш ва даволаш усулларини  
такомиллаштириш..... 3

**Пулатова Гулрух Алишер қизи**

Оптимизация диагностики и лечения водянки плода..... 25

**Pulatova Gulrukh Alisher qizi**

Improving the methods of diagnosis and treatment of hydrops fetalis..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 48

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ПУЛАТОВА ГУЛРУХ АЛИШЕР ҚИЗИ**

**ҲОМИЛАДА ШИШ СИНДРОМИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1854** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий- амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzaig.uz](http://www.uzaig.uz)) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юсупбаев Рустем Базарбаевич</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Джаббаров Улуғбек Узакович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Ихтиярова Гулчехра Акмаловна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент тиббиёт академияси</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100140, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50 E-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100140, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

  
**Д.А.Алиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

  
**М.М.Файзырахманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, биология фанлари номзоди

**У.Ю.Юсупов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қўшидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори





## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Перинатал даврдаги касалликларни ташхислаш ва даволашда эришилаётган кўплаб ютуқларга қарамасдан ноиммун ҳомила шиши ҳозирги кунда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда ва перинатал касалланиш ва ўлим тузилмасида аҳамиятли рол ўйнайди. Ноиммун ҳомила шиши (НХШ) бир қатор ҳомила ичи касалликларининг охириги босқичи ҳисобланади ва юқори леталлик билан характерланади. Ҳозирги вақтда резус-иммунизация профилактикасининг кенг қўлланилиши туфайли иммун ҳомила шиши билан касалланиш камайганлигини ҳисобга олсак, ноиммун ҳомила шиши ҳомила шишларининг доминант шаклига айланди. Фетал тиббиёт тадқиқотларига кўра «...ҳомила шишларининг барча турлари орасида ноиммун ҳомила шиши 90% ни ташкил қилиб, учраш частотаси 1:2000-3000 туғруқни ташкил қилади»<sup>1</sup>. Шу сабабли биз ушбу тадқиқот ишини ноиммун ҳомила шишларини ўрганиш учун бағишладик.

Жаҳонда перинатал даврдаги ҳомила касалликларини аниқлаш, эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларда касаллик этиологиясини тўлиқ аниқлаш, шу асосида ҳомиладорликни олиб бориш тактикасини танлаш, ҳомила ичи даволаш имкониятлари ва истиқболларини белгилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кенгроқ амалга ошириш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ноиммун ҳомила шиши кузатилган аёлларда касалликни тўғри ташхислаш ва даволаш орқали перинатал касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада

<sup>1</sup>Fetal medicine foundation, 2021

<sup>2</sup>2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

кенгайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** PubMed маълумотларига кўра, ҳозирги кунга қадар ноиммун ҳомила шиши (НХШ) бўйича 40000 га яқин илмий тадқиқотлар аниқланган, лекин шунга қарамай ноиммун ҳомила шиши синдромини бошқариш бўйича рандомизацияланган назорат остидаги синовлар (РНОС), мета-таҳлил маълумотлари ва далиллар базаси жуда кам ва шу сабабли ушбу тоифадаги беморларни ташҳислашни оптимал алгоритми ва даволаш учун даволаш стандартлари ишлаб чиқилмаган.

Муаян бир сабабни аниқлаш учун кўплаб диагностик тестлар қўлланилаётганига қарамасдан, тахминан 18% ҳолатларда бу касаллик идиопатик бўлиб қолмоқда (Beth M. Kline-Fath et al.,2015). Bellini ва ҳаммуаллифлари томонидан 2009 ва 2015 йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларида идиопатик НХШ 17.8% ва 19.8% ҳолатларда учради. Муаллифларнинг фикрича, бу натижалар ирсий метаболик касалликлар гуруҳига кирувчи касалликларнинг етарлича ташхисланмаганлиги сабабли юзага келган бўлиши мумкин (Bellini C, Hennekam RC, Fulcheri E, et al.,2009; Bellini C, Donarini G, Paladini D, et al., 2015).

Мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунгача ноиммун ҳомила шиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмагани сабабли НХШнинг республика ҳудудидаги учраш частотаси ва этиологияларининг учраш нисбати ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Hartge ва ҳаммуаллифлари ва Laterre ва ҳаммуаллифлари олиб борган тадқиқотларда энг кўп учраган НХШ этиологияси хромосома аномалиялари бўлса (32% ва 39%), Bellini ва ҳаммуаллифлари олиб борган тадқиқотда энг кўп учраган сабаб юрак қон-томир патологиялари бўлди (20.1%) (Hartge D.R.et al.,2015; Laterre M. et al.,2018; Bellini C.et al.,2015). Бу фарқ қуйидагича изоҳланади, Bellini ва ҳаммуаллифлари юрак нуқсонларини кариотипдан қатъий назар юрак қон-томир патологияларига киритишган, Hartge ва ҳаммуаллифлари ва Laterre ва ҳаммуаллифлари эса юрак нуқсонларига олиб келадиган асосий сабаб сифатида кариотипларга эътибор қаратишган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ноиммун ҳомила шиши сабабларини тизимлаштиришда ягона фикр мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин, бу эса кейинги изланишларни талаб қилади.

Бугунги кунда НХШда суюқлик тўпланиш соҳаси касаллик оқибатига таъсири тўғрисида якуний хулосага келинмаган ва томонлар ўртасида номутаносибликлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар плеврал ва перикардиал шишларни паст яшаб қолиш кўрсаткичи билан боғлашган бўлса, бошқа тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида бу боғлиқликни аниқлашмаган (Liu C.A., Huang H.C., Chou Y.Y., 2002; Nakayama H., Kukita J., Hikino S., Nakano H., Hara T., 1999; Smoleniec J., James D., 1995; Kadyrberdieva F.Z., Shmakov R.G., Bokeria E.L., 2019). Бу хулосалардаги номутаносиблик, афтидан, НХШда асосийси суюқлик тўпланган бўшлиқлар эмас балки, касаллик этиологияси эканлигини билдиради. Бироқ, кузатувлар сонининг камлиги, ҳолатларнинг сабаблар тоифаси бўйича нотекис тақсимланиши сабабли, биз фақат ушбу омиллар перинатал натижаларга салбий таъсир кўрсатишини тахмин қилишимиз мумкин ва бу кейинги кенгроқ ва узокроқ ўрганишларни талаб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази фетал тиббиёт йўналиши бўйича илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** минтақада перинатал кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида турли хил этиологияли ноиммун ҳомила шиши учун ҳомиладорликни олиб бориш, ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларда ҳомиладорликни кечиши ва оқибатини ретро- ва проспектив таҳлил қилиш орқали касаликка энг кўп олиб келувчи сабаблар, учраш частотаси, ноиммун ҳомила шиши кузатилган аёлларда ҳомиладорлик кечиши хусусиятлари ва ҳомиладорлик оқибатлари таҳлилини ўтказиш;

ноинвазив ва инвазив маркерлар ёрдамида ноиммун ҳомила шиши синдромини келтириб чиқарувчи асосий этиопатогенетик омилларни аниқлаш ва натижаларни баҳолаш орқали мазкур текширув усуллари самарадорлигини асослаш;

ноиммун ҳомила шишларини даволашда иммуноглобулин терапиясининг самарадорлигини ўрганиш орқали даволаш усули учун кўрсатма ва мезонларни ишлаб чиқиш, беморларда учрайдиган хос мезонлар асосида даво препаратининг ижобий таъсир кўрсатувчи энг зарарсиз ва минимал дозасини аниқлаш;

ноиммун ҳомила шишларида кам инвазив фетал жарроҳлик амалиётларини қўллаш учун зарур ҳомила ҳолатларини аниқлаш ва фетал жарроҳлик амалиётлари натижаларини баҳолаш орқали кам инвазив даво усуллари самарадорлигини ўрганиб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази

(стационар ва амбулатор даволаш) назоратида бўлган ноиммун ҳомила шиши мавжуд 51 нафар ҳомиладор аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ноиммун ҳомила шиши мавжуд ҳомиладор аёллар, ноиммун шиш мавжуд ҳомила, эркин суюқлик тўпланган сероз бўшлиқлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, клинικο-анамнестик, лаборатор, инструментал, инвазив, патоморфологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳомила юрак аритмиялари ва ҳомила юрак етишмовчилиги билан кечувчи ноиммун ҳомила шишларида трансплацентар антиаритмик ва кардиотоник давонинг кенгайтирилган қадамба қадам алгоритмлар кетма кетлиги ишлаб чиқилган;

илк бор ноиммун ҳомила шишларида иммуноглобулин терапиясининг самарадорлиги ўрганилган, тадқиқот натижаларига асосланиб даво препаратининг ижобий таъсир кўрсатувчи энг хавфсиз минимал терапевтик дозасини танлаш орқали ушбу даволаш усули учун оптимал схема, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар шакллантирилган;

илк бор intraabdominal vesico-allantoic ураҳус оқмаси сабабли юзага келган ноиммун ҳомила шиши аниқланган;

ноиммун ҳомила шиши мавжуд ҳомиладорларда касалликни эрта ташхислаш имконини берувчи ва касаллик этиологиясидан келиб чиққан ҳолда даволаш усулларига дифференциал ёндашувни қўллаш орқали ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларда касалликни ташхислаш ва даволашда яхлит ёндашувни шакллантириш бўйича клиник баённома ишлаб чиқилган;

ноиммун ҳомила шишларида касалликни ташхислашнинг инвазив ва ноинвазив усуллари такомиллаштирилган;

ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларда касалликни этиологияси ва кечишига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликни олиб бориш бўйича услубий тавсиянома ишлаб чиқилган;

юрак аритмиялари сабабли ва инфекциялар сабабли келиб чиққан ноиммун ҳомила шишларида даволаш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўтказилган тестларнинг аниқлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, инструментал, морфологик, статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ноиммун ҳомила шиши кузатилган аёлларда ҳомиладорлик оқибатларини касаллик этиологияси ва касаллик намоён бўлган муддат билан узвий боғлиқлигини аниқланганлиги, инвазив ва ноинвазив фетал даволаш усулларини амалга ошириш заруратининг илмий асосланганлиги, танланган фаол тактиканинг ҳомиладорлик оқибатига бевосита таъсири намоён бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти турли хил этиологияли ноиммун ҳомила шишларида касалликни келтириб чиқарувчи сабаб ва муайян ҳомила ҳолатига боғлиқ ҳолда фетал терапия ва фетал жарроҳлик усулларини қўллаш орқали перинатал касалланиш ва ўлим сонини камайтириш, ноиммун ҳомила шиши билан боғлиқ ҳомиладорликни тўхтатишларни олдини олишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт маркази экспертлар кенгаши хулосаси (05.08.2023й. № 8 д-и/4) асосида тасдиқланган:

*биринчи илмий янгилик:* ноиммун ҳомила шишларида ҳомила юрак аритмиялари ва ҳомила юрак етишмовчилигини трансплацентар даволашнинг кенгайтирилган алгоритми ишлаб чиқиши Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича буйруқ (2023 йил 12 июндаги № 8 и-и/3-сон) билан марказ, Тошкент вилояти Қибрай ТТБ ва Тошкент вилояти Бўка ТТБ клиник амалиётига жорий қилинди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • таклиф этилган алгоритмдан фойдаланиш даволаш олиб борилаётган вақтда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва ножўя таъсирлар сонини минималлаштиради; • ноиммун ҳомила шишлари билан кечувчи ҳомила юрак аритмиялари ва ҳомила юрак етишмовчилиги кузатилган аёлларни олиб боришда ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашув кейинги даволаш натижаларини яхшилади; • перинатал асоратлар ва ўлим сонини камайтиришга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ноиммун ҳомила шишлари билан кечувчи ҳомила юрак аритмиялари ва ҳомила юрак етишмовчилиги кузатилган аёлларни амбулатор шароитда олиб бориш ҳисобига иқтисод қилинган; • ҳомиладорликни ўртача 27 кунга амбулатор шароитда чўзиш имконини берган ва касалхонага ётмаслик ҳисобига иқтисод қилинган: шифохонада 1 кун қолиш тўлов миқдори – 223 500 сўм; (умумий иқтисодий самарадорлик 1 бемор учун 6 034 500 сўмни ташкил қилди). **Хулоса:** ноиммун ҳомила шишлари билан кечувчи ҳомила юрак аритмиялари ва ҳомила юрак етишмовчилиги кузатилган аёлларни даволашда таклиф қилинган алгоритмдан фойдаланиш орқали бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 12 069 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 6 034 500 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

*иккинчи илмий янгилик:* ноиммун ҳомила шишларида биринчи марта иммуноглобулин терапиясининг самарадорлиги ўрганилди, ушбу даволаш

усули учун оптимал схема, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар шакллантирилди ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича буйруқ (2023 йил 12 июндаги № 8 и-и/3-сон) билан марказ, Тошкент вилояти Қибрай ТТБ ва Тошкент вилояти Бўка ТТБ клиник амалиётига жорий қилинди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • инфекция оқибатида келиб чиққан ноиммун ҳомила шишларида муддатдан олдинги туғруқлар сонини, антенатал ва неонатал ҳомила ўлимлари сонини камайтиради; • туғилган чақалоқларда кейинги реабилитация сифатини оширади; • перинатал асоратлар ва ўлим сонини камайтиришга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • инфекция оқибатида келиб чиққан ноиммун ҳомила шишларида муддатдан олдинги туғруқлар ва чақалоқлар касалланиши сонини камайтириши ҳисобига чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш бўлимида шифохонада қолиш муддатини ўртача 15 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 17 175 000 минг сўмгача камайтирганлиги ҳисобига иқтисод қилинган (РИАГИАТМ нинг прејскурантига кўра шифохонада чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш бўлимида 1 кун қолиш 1 145 000 сўмни ташкил қилади); • шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон 22 500 000 сўмга кам талаб этилган (1 кунга ўртача 1 500 000 сўм дори воситалари сарфланади). **Хулоса:** инфекция оқибатида келиб чиққан ноиммун ҳомила шишларини иммуноглобулин терапия билан даволаш натижасида, чақалоқларни жонлатириш ва интенсив даволаш бўлимларидаги ётоқ кунларини қисқартириш билан бир нафар чақалоқ ҳисобига бюджет маблағларини 5 290 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 645 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

**учинчи илмий янгилик:** тадқиқот давомида биринчи бор intraabdominal vesico-allantoic ураҳус оқмаси сабабли келиб чиққан ноиммун ҳомила шиши аниқланди ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича буйруқ (2023 йил 12 июндаги № 8 и-и/3-сон) билан марказ, Тошкент вилояти Қибрай ТТБ ва Тошкент вилояти Бўка ТТБ клиник амалиётига жорий қилинди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ноиммун ҳомила шишига олиб келувчи ушбу сабабнинг аниқланиши касалликнинг ноаниқ этиологияли турлари учрашини камайтиради; • касалликни ташхислаш сифатини оширади; кейинги текширувлар учун кетадиган харажатлар ҳажмини камайтиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ноиммун ҳомила шишига олиб келувчи ушбу сабабнинг аниқланиши ноаниқ этиологияли ҳомила шишларида касаллик сабабини аниқлаш учун талаб этиладиган кейинги текширувларга сарфланадиган харажатлар ҳажмини ўртача 1 291 000 минг сўмга камайтирди (РИАГИАТМ нинг прејскурантига кўра ноиммун ҳомила шишига олиб келувчи асосий TORCH инфекцияларига ПЗР текширувлар ўртача нархи 720 000 сўмни, кариотиплаш тешируви 420 000 сўмни ташкил қилади). **Хулоса:** intraabdominal vesico-allantoic ураҳус оқмаси сабабли келиб чиққан ноиммун

ҳомила шиши аниқланиши билан ноаниқ этиологияли ҳомила шишларида касалликни сабабини аниқлашга қаратилган бир қатор текширувларга сарфланадиган харажатлар ҳажми ўртача 1 291 000 минг сўмга камайтирилди.

*тўртинчи илмий янгилик:* ноиммун ҳомила шишида ҳомиладорликни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича буйруқ (2023 йил 12 июндаги № 8 и-и/3-сон) билан марказ, Тошкент вилояти Қибрай ТТБ ва Тошкент вилояти Бўка ТТБ клиник амалиётига жорий қилинди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ушбу алгоритм ҳомиланинг морфологик ва функционал ҳолатини батафсилроқ баҳолаш имконини беради; • ноиммун ҳомила шиши билан асоратланган ҳомиладорларда касалликни ташхислаш ва даволаш сифатини оширади; • фетал терапия ва фетал жарроҳлик усуллари кўллаш орқали перинатал касалланиш ва ўлим сонини камайтиради; • ҳомиладорликни тўлиқ муддатгача узайтириш имконини беради; • ҳомиладорликларни асосиз тўхтатилиш сонларини камайтиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ноиммун ҳомила шиши билан касалланган эрта туғилган чақалоқларни даволаш ва парвариш қилиш учун тўғридан-тўғри сарфланадиган тиббий харажатлар камайган, неонатал интенсив терапия ва чақалоқлар жонлантириш бўлимларида ўтказиладиган ётоқ кунлари сони ўртача 15 кунга қисқариб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 17 175 000 минг сўмгача камайтирилганлиги ҳисобига иқтисод қилинган (РИАГИАТМ нинг прејскурантига кўра шифохонада чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш бўлимида 1 кун қолиш 1 145 000 сўмни ташкил қилади); • шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон 22 500 000 сўмга кам талаб этилган (1 кунга ўртача 1 500 000 сўм дори воситалари сарфланади). **Хулоса:** ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларни тўғри текшириш ва даволаш билан чақалоқларни жонлатириш ва интенсив даволаш бўлимларидаги ётоқ кунларини қисқартириш натижасида бир нафар чақалоқ ҳисобига бюджет маблағларини 5 290 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 645 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро конгресс ва 2 та халқаро республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 7 та республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ноиммун ҳомила шиши муаммосига замонавий ёндашув (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобда дунё миқёсида ноиммун ҳомила шиши муаммоси, эпидемиологияси, перинатал кўрсаткичларга бўлган таъсири, келиб чиқиш сабаблари, патогенези, замонавий диагностика усуллари, даволаш усуллари ва касаллик оқибатлари батафсил ёритилган. Бир қатор хориж олимларининг ноиммун ҳомила шиши бўйича олиб борган тадқиқотлари кўриб чиқилиб, натижалар таҳлил қилинган. Йирик хорижий тадқиқотлар натижалари бир бири билан таққосланган.


Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва материаллари**» деб номланган иккинчи бобда текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари баён қилинган.

Тадқиқот 201 нафар ҳомиладор аёлни ўз ичига олади. Тадқиқотимиз 2 босқичда амалга оширилди. 1- босқич ретроспектив таҳлилдан иборат бўлиб, 2017-2019-йиллар давомида Республика «Она ва бола скрининги» марказига мурожаат этган ва ноиммун ҳомила шиши ташхиси қўйилган 150 нафар ҳомиладорларни ўз ичига олади. Улардан 40 нафари 2017-йилда, 49 нафари 2018-йилда, 61 нафари 2019-йилда қайд этилган. 2-босқич проспектив таҳлил натижаларидан иборат бўлиб, 2020-2022-йиллар давомида РИАГИАТМ марказига ноиммун ҳомила шиши ташхиси билан мурожаат этган 51 нафар ҳомиладор аёллардан иборат бўлди, улардан 9 нафарида ҳомиладорликнинг 1-триместрида хромосома аномалиялари аниқланганлиги туфайли ҳомиладорлик тўхтатилган ва бу ҳомиладорлар тадқиқотнинг кейинги босқичларидан чиқарилган. Қолган 42 нафар ҳомиладор аёллар НХШда ҳомиладорликни олиб боришни кутиш ёки фаол тактикасини танлаганлиги асосида 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди. 1- гуруҳни (асосий) 20 нафар НХШда фаол тактика олиб борилган аёллар ташкил этди, 2 – гуруҳни (солиштирма) эса 22 нафар фаол тактикадан бош тортган ва НХШда ҳомиладорликни кутиш тактикасидан фойдаланилган аёллар ташкил этди. Тадқиқот гуруҳларидаги аёлларнинг ёши 18 ёшдан 43 ёшгача бўлган ораликни ташкил қилиб, ўртача ёш медианаси 28 (24; 31) ёшни ташкил этди.

Проспектив тадқиқотда иштирок этган барча аёлларда ҳомиланинг эксперт ультратовуш текшируви ўтказилди ва қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланди: ҳомиланинг структуравий патологиясининг мавжудлиги ва тури,

суяқлик мавжуд сероз бўшлиқлар сони, суяқлик ҳажми, ўпка гипоплазиясининг мавжудлиги ва даражаси, юрак компрессияси, ҳомила юмшоқ тўқималарининг шишиши мавжудлиги, қалинлиги ва даражаси, шунингдек, ҳомила олди сувлари миқдори ва плацента қалинлиги.

Ҳомиланинг эхокардиографияси юрак, клапанлар ва магистрал томирларнинг структуравий ёки функционал патологиясини, перикард бўшлиғида суяқлик мавжудлигини ва унинг ҳажмини, шунингдек, ҳомила юрагининг функционал ҳолатини баҳоловчи бир қатор параметрларини аниқлаш учун ўтказилди.



**1-расм. Ноиммун ҳомила шишида текширувлар алгоритми**

Етакчи жаҳон ҳамжамиятларининг НХШ мавжуд ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш бўйича тавсиялари асосидава шунингдек, РИАГИАТМ давлат муассасасининг клиник диагностика имкониятлари доирасида НХШ мавжуд ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш учун ички протокол ишлаб чиқилди ва 2020 йилда амалиётга жорий этилди

(1-расм). 1- гуруҳдаги беморларда ҳомиладорлик шу протокол асосида олиб борилди.

Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ва хромосома аномалиялари УТТ белгилари мавжуд ҳолатларда диагностик амниоцентез ёки кордоцентез амалиёти билан кариотиплаш текшируви ўтказилди. Аномал кариотип аниқланган тақдирда ҳомиладорлар танлови асосида ҳомиладорлик тўхтатилди ва бу аёллар тадқиқотнинг кейинги босқичларидан чиқарилди. Ҳомила ичи инфекцияси УТТ белгилари мавжуд ҳомиладорларда инфекцион омиллар учун текширувлар ўтказилди. Инфекцияларга текширув –биоматериаллардан (она ва ҳомила қони, ҳомила олди сувлари, сероз бўшлиқдан олинган суюқлик) цитомегаловирус, парвовирус Б19, герпес симплекс вируси, токсоплазма, қизилча вируси, Ковид 19 вируси ДНКсини ИФА ва ПЗР орқали аниқлаш билан амалга оширилди. Юрак қон томир патологиялари ва юрак аритмиялари аниқланган ҳолатларда ҳомила ЭхоКГ текшируви ўтказилди ва юрак қон томир тизими функционал ва органик ҳолати баҳоланди. НХШ этиологияларига боғлиқ ҳолда бирламчи этиопатогенетик ва симптоматик консерватив даво муолажалари олиб борилди. Консерватив даво муолажаларидан сўнг ҳам динамикада ортган ёки сақланган гидроторакс, асцит ва кўпсувлилик аниқланган тақдирда кейинги босқичда ҳомилада лапароцентез, торакоцентез ва амниоредукция амалиётлари ўтказилди. Кўрсатма бўйича сероз бўшлиқлар пункцияси ва декомпрессияси ўтказилгандан сўнг, олинган суюқликлардан клиник ва биохимик таҳлиллар амалга оширилди.

2-гуруҳда (солиштирма) антенатал кам инвазив диагностик ва ҳомила ичи даволаш амалиётлари ўтказилмаган, туғруқдан кейинги даврда эса текширувлар кўрсатмалар бўйича индивидуал равишда ўтказилди. Кўплаб мальформациялар ва дисэмбриогенез белгилари бўлган вақтда, генетик мутахассиси кўриги ўтказилди.

НХШ мавжуд ҳомиладорларда антенатал даврда қўлланган текширув ва даволаш алгоритмининг самарадорлиги баҳоланди, кутиш ва фаол тактикалар натижалари бир бири билан солиштирилди.

Кейинчалик ижобий натижали (касалхонадан тирик ҳолда чиқарилган, n=14) ва салбий натижали (антенатал ҳомила ўлими, неонатал ўлим, n=28) ҳолатлар таҳлил қилинди.

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Statistical package for the social sciences ва StatTech дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Миқдорий маълумотларни тавсифлаш учун медиана ва кваттиллариаро диапазон (Me, (Q1; Q3)) баҳоланди. Гуруҳлардаги миқдорий фарқларни баҳолаш учун параметрик бўлмаган статистик усуллар қўлланилган (Wilcoxon rank-sum test). Икки қиймат ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти р-қиймати билан баҳоланди. Р қиймати  $\leq 0,05$  да фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида

ноиммун ҳомила шишида аниқланган сабаб ва оқибатларнинг ретроспектив ва проспектив таҳлил натижалари, ҳомиладорлик кечиши хусусиятлари, қўлланилган даволаш усуллари самарадорлиги натижалари, ноиммун ҳомила шиши мавжуд аёлларда фаол ва нофаол олиб борилган ҳомиладорлик оқибатларининг қиёсий таҳлили, ҳомила патологоанатомия текшируви хулосалари келтирилган.

Клиник белгилар, клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот натижаларига кўра барча НХШ ҳолатлари Bellini ва ҳаммуаллифлари (2015) томонидан таклиф қилинган касалликнинг 14 тоифасидан бирига киритилди ва хорижий кенг кўламли тадқиқотлар билан солиштирилди.

Ретроспектив гуруҳда НХШга олиб келган энг кўп сабаблар: юрак-қон томир патологиялари-19% (19/100), синдромал патологиялар-10% (10/100), кўкрак қафаси аномалиялари-9% (9/100) бўлди. 41% (41/100) ҳолатда НХШнинг сабаби ноаниқ яъни идиопатик деб топилди. Ретроспектив гуруҳдаги 85% (85/100) аёлларда ҳомиладорлик УТТ маълумотларига асосланган тиббий кўрсатма асосида тўхтатилган, 15% (15/100) ҳолатда эса аёллар ҳомиладорликни тўхтатишдан бош тортган ва ҳомиладорлик давом эттирилган. Ҳомиладорлик давом эттирилган 15 нафар аёлда ҳомиладорлик оқибатлари таҳлил қилинди: аёллардан 7 тасида ривожланмаган ҳомиладорлик кузатилди, 3 нафар беморда соғлом бола билан муддатдаги туғруқ содир бўлди, 3 нафар беморда антенатал ҳомила ўлими, 1 нафар беморда интранатал ҳомила ўлими ва 1 та беморда неонатал ҳомила ўлими кузатилди. Ретроспектив гуруҳда перинатал кўрсаткич 3% (3/100) ҳолатда ижобий ва 97% (97/100) ҳолатда салбий натижа билан яқунланди.

Проспектив гуруҳда НХШ этиологияси 86,2% (44/51) ҳолларда аниқланди. Сабабларнинг тузилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, НХШнинг ривожланишига олиб келган энг кўп сабаблар: хромосома аномалиялари – 17,6% (9/51), инфекциялар – 27,4% (14/51), юрак-қон томир патологиялари – 13,7% (7/51) бўлди. НХШнинг 13,7% (7/51) идиопатик деб топилди.

Кейинги босқичда тадқиқотимиз маълумотлари кенг кўламли хорижий тадқиқотлар маълумотлари билан солиштирилди. Бизнинг тадқиқотимизда аниқланган НХШ сабабларининг тузилиши хорижий муаллифларнинг маълумотлари билан солиштирилганда ўхшаш тенденцияга эга эканлиги аниқланди. Хромосома аномалиялари ичида энг кўп Трисомия 21 66,6% (6/9) аниқланди. 11,1% (1/9) ҳолатда Трисомия 9, 11,1% (1/9) ҳолатда синдром ХХУ, 11,1% (1/9) ҳолатда 13-хромосома узун елкаси микродупликацияси учради. Барча ҳолатда анеуплоидиялар антенатал даврда аниқланган - 100% (9/9). 2% (1/51) ҳолатда туғруқдан кейинги даврда бутун геномли секвенирлаш усули орқали 11-Х хромосомага боғланган ген касаллиги - Aarskog-Scott синдроми аниқланди.

## НХШ мавжуд ҳомиладорликнинг оқибатлари

Сабаб тоифалари	Оқибат			
	Бемор ҳошишига кўра ҳомиладорликнинг тўхатиш, abs. (%)	Ривожланмаган ҳомиладорлик, abs. (%)	Ҳомила антенатал ўлими, abs. (%)	Тирик туғилиш, abs. (%)
Хромосома аномалиялари	9 (100)	0 (0)	0 (0)	0 (0)
Лимфа тизими патологиялари	0 (0)	0 (0)	1 (100)	0 (0)
Юрак қон-томир тизими патологиялари	0 (0)	0 (0)	3 (42,8)	4 (57,1)
Синдромал патологиялар	0 (0)	0 (0)	1 (33,3)	2 (66,6)
Инфекциялар	0 (0)	1 (7,1)	4 (28,5)	9 (64,3)
Торакал аномалиялар	0 (0)	0 (0)	1 (50)	1 (50)
ФФТС	0(0)	0(0)	2(100)	0 (0)
Сийдик ажратиш тизими патологиялари	0 (0)	0 (0)	1 (50)	1 (50)
Плацента аномалиялари	0 (0)	0 (0)	0 (0)	1 (100)
Ген касалликлари	0 (0)	0 (0)	0 (0)	1 (100)
Ошқозон ичак тракти аномалиялари	0 (0)	0 (0)	0 (0)	2 (100)
Идиопатик ноиммун ҳомила шиши	0 (0)	1 (14,2)	3 (42,8)	3 (42,8)
<b>Жами</b>	<b>9</b>	<b>2</b>	<b>15</b>	<b>25</b>

Юрак-қон томир тизими патологияларидан НХШ га олиб келувчи энг кўп сабаблар - юрак ритми бузилишлари бўлди – 71,4% (5/7), шундан 14,2% (1/7) ҳолатда брадиаритмия ва 57,1% (4/7) ҳолатда тахиаритмия кузатилди. Юракнинг структуравий патологияси 28,5% (2/7) ҳолатда НХШ га сабаб бўлган.

НХШ га олиб келувчи сабаблар ичида инфекция агентлар 27,4% (14/51) ҳолатларда аниқланди: ЦМВ – 14,2% (2/14), SARS-CoV-2- 35,7% (5/14), парвовирус В19 – 7,1% (1/14), Herpes simplex вируси – 28,5% (4/14) ва коинфекция – 14,2% (2/14).

Ҳомиланинг структуравий нуқсонлари 17,6% (9/51) ҳолларда НХШ га сабаб бўлган - уларнинг аксарияти синдромал патологиялар сифатида таснифланган – 33,3% (3/9).

Бошқа тоифадаги сабаблар билан солиштирганда, НХШ эрта намоён бўлиши хромосома аномалияларида ривожланди. НХШ энг эрта намоён бўлган ҳомиладорлик муддати хромосома аномалияларига - 13,4 ҳафта (12; 15), энг кеч намоён бўлган ҳомиладорлик муддати ошқозон ичак тракти патологияларига - 30,5 ҳафта (29; 32) тўғри келди ва статистик аҳамиятга эга бўлди ( $p < 0,001$ ).

42 нафар ҳомиладорлик давом эттирилган аёллардан 57,1% (24/42)да тирик ҳомила туғилиши кузатилди, аммо ҳолатларнинг 16,6% (4/24)да интранатал ҳомила ўлими ва 25% (6/24)да неонатал ўлим содир бўлди – 16,6 фоизида (4/24) эрта неонатал ўлим, 8,3 фоизда (2/24) кечки неонатал ўлим кузатилди (1-жадвал).

## 2- жадвал

### Тирик туғилган болалардаги оқибатлар

Сабаб тоифалари	Тирик туғилган болалардаги оқибатлар		
	Эрта неонатал ўлим, abs. (%)	Кечки неонатал ўлим, abs. (%)	Тирик қолган чақалоқлар, abs. (%)
Юрак қон-томир тизими патологиялари	0(0)	0(0)	4(100)
Инфекциялар	2(22,2)	0(0)	7(77,7)
Торакал аномалиялар	0(0)	0(0)	1(100)
Ошқозон ичак тракти патологиялари	0(0)	1(50)	1(50)
Плацента аномалиялари	0 (0)	1 (100)	0(0)
Ген касалликлари	0(0)	0(0)	1(100)
Идиопатик ноиммун ҳомила шиши	2(100)	0 (0)	0(0)
<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>14</b>

Ҳомиладорликни узайтирган 42 нафар аёлнинг 33,3 фоизи (14/42) тирик болаларга эга бўлган. Энг яхши тирик қолиш даражаси инфекцияларда – 50% (7/14), юрак-қон томир патологиялари тоифасида – 28,5% (4/14) кузатилди. Тирик туғилган болалардаги оқибатлар 2- жадвалда келтирилган.

